



## АБИТУРИЕНТ – 2019

### ҚАДАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ АБИТУРИЕНТЛАР!

**Б.Т. Даминов**  
**ТошПТИ ректори,**  
**халқ депутатлари**  
**Тошкент шаҳар кенгаши**  
**депутати**

Мамлакатимизда таълим ва айниқса, тиббий таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, ушбу тизимни етакчи давлатлар таълими тизими даражасига олиб чиқиш учун ҳаракатлар бир муддат ҳам тўхтагани йўқ. Бу йўналишда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир. Мухтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев 6 май куни имзолаган «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ушбу соҳалар таълими ва илм-фанни такомиллаштириш билан бирга уни амалий соғлиқни сақлаш соҳасига интеграция қилишни таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, етишиб чиқаётган кадрлар рақобатбардошлиги асосий мақсад қилиб олинган. Албатта, тиббий кадрларнинг қай даражада етук бўлиши таълим тизимимизга боғлиқ.

Мухтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг «2019-2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги қарорида, жумладан, ёшларнинг олий таълим билан қамраб олиншини янада кенгайтириш, олий таълим муассасалари орасида соғлом рақобатни кучайтириш, давлат буюртмаси ва тақабалаштирилган тўлов-контракт тизимини жорий этиш орқали

олий таълим муассасаларини босқич-ма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш мақсадида, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар диққатга сазовордир.

Қарорда олий таълим муассасаларининг мавжуд қувватлари, моддий-техника базаси ҳамда профессор – ўқитувчилари таркибидан келиб чиқиб, бўйсунувига кўра вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда олий таълим муассасалари томонидан мустақил равишда белгиладиган бакалаврият таълим йўналишларига



табақалаштирилган тўлов-контракт, магистратура мутахассисликларига базавий тўлов-контракт бўйича қўшимча қабул параметрлари асосида амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларининг умумий сонига нисбатан қўшимча икки фоизли давлат гранти асосида ажратилган қабул параметрлари бўйича олий таълим муассасаларининг кундузги, сиртки ва кечки таълим шаклларида бирида таълим олиш ҳуқуқи берилди. Қарорда тўлов –контракт асосида таълим олаётган барча босқич талабаларига, ўз хоҳишларига кўра тўлов-контракт

қийматини стипендиялар ёки стипендиясиз шаклда тўлаш ҳуқуқи берилиши кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, қарорда нафақат қабул, балки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кадрлар буюртмачилари билан биргаликда ҳар йили янги ўқув йили бошлангунига қадар бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва дастурларини меҳнат бозори конъюктурасининг жадал ўзгариб бораётган шароитларида юқори малакали кадрларнинг иш жойлари талабларига мос келувчи амалий тайёргарлигини таъминлайдиган замонавий фанларни киритиб боришни амалга ошириш ҳам акс этади.

Бу эса ўз навбатида таълим сифати ошиши билан бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда таълим сифатини кўтаришда нафақат моддий-техник томонга, балки таълим тизими ислохотига тубдан ўзгартириш киритиб, жаҳондаги етакчи мамлакатлардаги каби кредит-модул тизимига босқич-ма-босқич ўтиш режалаштирилмоқда. Албатта, мазкур ислохотлар ҳар бир профессор-ўқитувчи зиммасига маълум масъулиятлар юклайди.

Бизнинг институтимиз жамоаси ҳам юртимизда олий таълим тизимидаги ҳужжатларда акс этган барча вазифаларни сидқидилдан бажармоқда. Шу билан биргаликда улар бу соҳада ўз ташаббус ва ижодкорлиги, таълим ва илм соҳасида янги услублар ва янгилликларни яратишда ҳам пешқадамдирлар. Буларнинг барчаси эса Сиз бўлажак тиббиёт ходимларининг ўз касбингизни мукамал эгаллаб, етук мутахассис бўлишингизга қаратилгандир.

## БУ ЙИЛГИ ҚАБУЛ ҲАҚИДА

Бу йилги қабул ҳақида институтимиз қабул комиссиясининг масъул котиби Акмал Абадбекович Раҳматуллаевга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

– Ҳурматли Акмал Абадбекович! Бу йилги қанчадан-қанча абитуриентлар учун ҳаяжонли бўлган қабулнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

– 2019/2020 ўқув йили учун қабул Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисидаги 2019 йил 17 июндаги ПК-4359 Қарорига асосан олиб борилмоқда. 2019-2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари бакалаврлар тайёрлаш бўйича кундузги таълим шаклига – 80430 нафар этиб 1-иловага мувофиқ; сиртки таълим шаклига – 19985 нафар этиб 2-иловага мувофиқ; кечки таълим шаклига 1985 нафар этиб 3-иловага мувофиқ белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмаларига биноан 2019-2020 ўқув йилида соғлиқни сақлаш, маданият ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун ушбу қарорнинг 1-илласига мувофиқ тасдиқланган давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрлари 5-иловага мувофиқ тасдиқланиши белгиланган.

– Ҳурматли Акмал Абадбекович, ушбу ўқув йилида таъ-

лим йўналишларининг кундузги-сиртки ва кечки шаклларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган абитуриентлар учун грантлар доирасидаги мақсадли қабул қайси параметрларда тасдиқланган.

– 2019-2020 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича, 2019-2020 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сифатида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун бакалавриятнинг сиртки таълим шакли бўйича ва 2019-2020 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун бакалавриятнинг кечки таълим шакли бўйича алоҳида беш фоизли қабул кўрсаткичлари тасдиқланиши белгиланган.

– Акмал Абадбекович, бу йилги қабулнинг ўзига хос хусусиятлари, янгиликлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Янгиликлар қуйидагилар: Олий таълим муассасаларига 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кундузги бакалаврият таълим йўналишларига мос бўлган йўналишлар доирасида табақалаштирилган тўлов-контракт асосида сиртки ва кечки таълим шаклида ўқитишни ташкил этиш ҳуқуқини белгилаш кўзда тутилган.

Бунда, ўқишга қабул қилиш тегишли иш берувчиларнинг тавсияси асосида камида беш йил

иш стажига эга бўлган ходимлар ҳисобидан кейинчалик ушбу тизимда беш йил ишлаб бериш шарти билан иш фаолиятига мос бўлган бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат натижаларига асосан амалга оширилади. Шунингдек, 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб табақалаштирилган тўлов-контракт қийматининг Давлат комиссияси томонидан белгиланган минимал бараваридан кам бўлмаган миқдорда олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгиланади.

Бунда, табақалаштирилган тўлов-контракт бўйича қабул қилиш синовлари натижасига кўра олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси параметрлари доирасида ўқишга тавсия этилмаган абитуриентларнинг аризаларига мувофиқ уларнинг тўплаган баллари қатъий кетма-кетлигига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Яна бир янгилик, бу йилдан бошлаб тўлов-контракт асосида таълим олаётган барча босқич талабаларига, ўз хоҳишларига кўра тўлов-контракт қийматини стипендияли ёки стипендиясиз шаклда тўлаш ҳуқуқи берилади.

Шунингдек, олий таълим муассасалари ректорларига (филиал директорлари) бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда чет эл фуқароларини тўлов контракт асосида ўқитиш қийматини тегишли бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган базавий тўлов-контракт миқдоридан кам бўлмаган миқдорда белгилаш ҳуқуқи берилади.

– Институтимизга ҳужжат топшираётган абитуриентларга тилақларингиз.

– Институтимиз раҳбарияти ва қабул комиссияси барча абитуриентларга олдиларидаги турган синовда омад тилаб қолади.



# ТИББИЙ-ПЕДАГОГИКА ВА ДАВОЛАШ ИШИ ФАКУЛЬТЕТИ

Тиббий-педагогика ва даволаш иши факультетида Касб таълими – Тиббий педагогика иши ҳамда Даволаш иши таълим йўналишлари бўйича тиббиёт ҳамда ижтимоий соҳаларга юқори малакали рақобатбардош, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи шифокор кадрларни тайёрлашда олий таълимнинг асосий ва касбга оид кўшимча таълим дастурларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мос равишда ўқув-услубий, илмий ҳамда бошқа таълим фаолиятлари амалга оширилади. Касб таълими – Тиббий-педагогика иши таълим йўналиши 1998 йилда ташкил этилган. Таълимнинг кундузги шаклида ўқиш 6 йил. Ихтисоси умумий амалиёт шифокор-педагог, даволаш иши ўқитувчиси. Умумий амалиёт шифокор-педагог қўйидаги шартлар билан тайёрланиши лозим:

Олий маълумотли шахсларга тегишли бўлган давозимларда таълим йўналиши бўйича мустақил иш фаолиятини юритиш;

Танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга йўналтириш;

Малака ошириш ва қайта тайергарлик тизимида кўшимча касбий таълим олиш.

Йўналишнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўрни:

Касбий таълим (Даволаш иши) соғлиқни сақлаш соҳасидаги йўналиш бўлиб, у ўрта олий ўқув юрти ўқитувчиларини касбий тайерлаш учун қўлланладиган психо-педагогик воситалар, усуллар шунингдек

болалар ва катта ёшдаги аҳоли соғлиқини муҳофаза қилиш ва мустақамлаш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш, инсон ҳаётини узайтиришга қаратилган турли воситалар, билимлар, усулларни ўзида жамлайди.

Маъмурий даволаш, илмий ва педагогик фаолияти:

Касбий таълим, даволаш иши бўйича мутахассис, даволаш иши ўқитувчиси, умумий амалиёт шифокори, фундаментал, умумий касбий ва махсус тайергарликка мувофиқ тиббиёт коллежларида Ўз РССВ услубий кабинетларида, ўрта махсус ва олий ўқув муассасаларида олий маълумотли мутахассисга мўлжалланган ўринларида ишлаш. Умумий амалиёт шифокори давлат муассасасалардан (қишлоқ ва шаҳар шифокорлар пунктларида, амбулатория-поликлиника муассасаларида, қишлоқ участка касалхоналарида, тез ёрдам хизматларида, тиббий санитария қисмларида, шифокорлик соғломлаштириш пунктларида, санаторий-профилакторийларида, дам олиш уйларида) нодавлат тиббиёт муассасаларида, хусусий якка тартибда ишлаши мумкин.

Даволаш иши таълим йўналишига қабул 2010 йилдан бошлаб амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур йўналишнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўрни қўйидагича:

Ушбу таълим йўналиши тиббиёт соҳасини ривожлантиришга, истикболни белгилашга, касбий кўникамага мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон саломатлигини сақлаш фа-

олияти воситалари, усуллар ва услубларининг мажмуасини ўз ичига олади.

Умумий амалиёт шифокори олий ва ўрта махсус тиббиёт муассасаларида, давлат муассасаларида (қишлоқ ва шаҳар тиббиёт пунктларида, амбулатор-поликлиник муассасаларда, тез тиббий ва шошилич тиббий ёрдам хизматларида), нодавлат тиббиёт муассасаларида, хусусий якка тартибда ишлаши мумкин.

Ушбу йўналишнинг касбий фаолият турларига тиббий-профилактик, тез ва шошилич тиббий ёрдам, даволаш-ташхислаш, реабилитация, тиббий-ижтимоий ёрдам, илмий тадқиқот ва услубий ишларни ташкиллаштириш киради. Факультет талабалари институтнинг амалдаги низомига биноан: замон даражасида ривожланган фан, техника ва маданий билимларни эгаллаш; олий ўқув юрти фаолиятига оид муҳим масалаларни ҳал қилиш ва муҳокамасида, шу жумладан жамоат ташкилотлари орқали олий ўқув юртининг бошқарув органлари ишларида қатнашиш; кутубхона, ахборот жамғармаси, олий ўқув юрти ўқув, илмий, даволаш ва бошқа бўлинмаларининг хизмат турларидан бепул фойдаланиш; илмий-тадқиқот ишларида, конференция ва симпозиумларда қатнашиш, ўз ишларини олий ўқув юртининг нашрларига тақдим этиш; Ўзбекистон Республикаси Қонунларига зид бўлмаган олий ўқув юрти талабасига берилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятига эгадирлар.



Институт билан тенгдош «Педиатрия» факультети бой тарих ва анъаналарга эга. Унинг битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимининг турли бўғинларида фаолият кўрсатадилар. Бу факультет халқаро нуфузга эга бўлган йирик олимлар, мохир тиббиётчилар: педиатр, неонатолог, болалар жаррохлари, офтальмолог, травматолог-ортопед, отолорингологларни етиштириб берди.

Мазкур факультет институт ташкил этилгандан бери мавжуд. «Педиатрия иши» йўналиши таълимнинг кундузги шаклида ўқиш муддати 6 йил. Ихтисослиги: шифокор-умумий педиатр. Шифокор умумий педиатр таълим йўналиши бўйича олий маълумотга эга бўлган шахслар томонидан бўш ўринларни эгаллаш мумкин бўлган лавозимларда ишлаш учун давлат муассасаларида (қишлоқ, шаҳар шифокорлик пунктларида, амбулатор-поликлиник муассасаларида, тез ва шошилиш ёрдам хизматларида, стационарнинг махсуслаштирилмаган болалар бўлимларида, мактабгача ва мактаб қошидаги болалар муассасаларида, болалар профилакторийлари ва дам олиш уйларида), нодавлат тиббий муассасаларида шахсий ва индивидуал тартибдаги фаолият учун тайёр бўлишлари керак.

Шу билан биргаликда шифокор-умумий педиатр бакалаврият йўналишининг чегарасида



## ПЕДИАТРИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

танланган мутахассислик бўйича олий таълимни давом эттиришга, қайта тайёрлаш ва малакани ошириш тизимида қўшимча касбий таълим олишга ҳам тайёр бўлиши лозим.

Иш фаолияти: Олий ўқув муассасаларида олий маълумотли мутахассисга мўлжалланган ўринларда ишлаш. Умумий педиатр шифокор давлат муассасаларида қишлоқ участка касалхоналарида, тез ёрдам хизматларида, тиббий-санитария қисмларида, шифокорлик соғломлаштириш пунктларида, санаторий-профилакторийларда, дам олиш уйларида) нодавлат тиббий муассасаларида хусусий якка тартибда ишлашлари мумкин.

Ўтган ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2909 сонли қарори асосида институтимизда тиббий-биология иши таълим йўналиши очилди. Ушбу йўналишда очилган гуруҳ талабалари 2-Педиатрия факультетида таҳсил олишмоқда.

Таълимнинг кундузги шаклида ўқиш муддати 4 йил бўлиб, Тиббий-биология иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг илмий-педагогик, илмий-тадқиқот, тиббий ташхислаш, тиббий-ижтимоий, ташкилий бошқарув касбий фаолият турлари мавжуд.

Шунингдек, педагогик қайта тайерлов ўтгандан сўнг ўрта-махсус таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

Тиббий-биология иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий тайёргарликдан кейин биология (йўналишлар бўйича), микробиология ва вирусология, биотехнология, биофизика, тиббий-биологик аппаратлар, тизим ва мажмуалар, морфология (йўналишлар бўйича), ташхиснинг инструментал ва функционал услублари (йўналишлар бўйича), фармакология ва янги йўналишлар бўлган молекуляр генетика, биологик тиббий технологиялар, тиббий биология, тиббий биофизика, тиббий кибернетика, молекуляр фармакология бўйича таълимни давом эттиришлари мумкин.

## «ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ» БЎЛИМИ

Олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида соғлиқни сақлаш тизимига юқори малакали, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаб беришдир.

1999-2000 ўқув йилида Президент Фармони асосан «Олий маълумотли ҳамшира» бўлими ташкил топган. У 2002 йилдан бери «Олий ҳамширалик иши» бўлими деб аталади. Бу бўлимга тиббиёт коллежларининг битирувчилари ҳамда амалиётда ишлаган ҳамширалар қабул қилинади.

Бўлимда ўқиш муддати 3 йил. Академик даража «Бакалавр». Бакалавр эса таълим йўналиши бўй-

ича олий маълумотли ҳамширалар эгаллаши керак бўлган иш жойларда мустақил фаолият кўрсатишга, бакалавриятнинг белгиланган йўналиши доирасида, танланган мутахассислик бўйича тегишли бўлган магистратурада олий таълимни давом эттиришга, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида қўшимча касбий таълим олишга тайёрланган бўлиши керак. Олий ҳамширалик иши аҳоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, касалларни парвариш қилиш ва даволаш, одам организмидаги турли хил касалликларнинг олдини олиш ва реабилитация қилиш учун фойдаланиладиган билимлар, усуллар, амалий кўникмалар жамламасини қамраб олган тиббий фан-

лар йўналиши. «Олий ҳамширалик иши» мутахассислигини олган шахслар соғлиқни сақлаш муассасаларида бош ҳамшира (Ҳамширалик иши менеджери), даво-профилактик муассасалари бўлимларининг катта ҳамшираси, жаррохлик хонаси катта ҳамшираси, жаррохлик бўлими ҳамшираси, анестезиология ва реанимация бўлими ҳамшираси, доя, туғруқ блоки дояси, ҳамширалик иши ўқитувчиси, врач-статист сифатида фаолият юритишлари мумкин.

Олий маълумотли ҳамшира ўрнатилган тартибда олий, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида, ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида фаолият кўрсатиши мумкин.

## МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ ҲАҚИДА

Олий ўқув юртининг бакалаврият босқичини яқунлаш арафасида турган барча талабаларни таълимнинг кейинги босқичи тўғрисидаги маълумотлар кизиқтириши табиий. Шу туфайли бугунги саҳифамизда магистратура бўлими ҳақида маълумот бермоқчимиз.

ТошПТИда магистратура орқали аниқ мутахассислик бўйича илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш 2000-2001 ўқув йилидан амалга оширила бошланган. Ҳозирги пайтгача 1863 нафар магистр тайёрланиб, улар олий тиббий таълим муассасаларида, илмий ва ихтисослашган марказларда, илмий текшириш институтлари ва соғлиқни сақлаш тизимининг барча соҳаларида етук мутахассис сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида ўқитиш муддати Давлат таълим стандартларида белгиланган 2 ёки 3 йил давом этувчи таълимдир.

Амалдаги Низомга асосан «Магистр: танланган мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбий фаолиятни мустақил юритишга; касбий фаолиятда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга;

олий таълим муассасасидан кейинги таълимни магистрлик тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича катта илмий ходим изланувчилар институтида давом эттиришга; кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълими олишга тайёрланади».

Республикамизда олий тиббий таълим тиббий таълим бўйича Жаҳон Федерацияси ҳамда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ассоциациясининг тавсия ва резолюцияларини инобатга олган ҳолда ташкил этилган. ЖССТ ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар томонидан она ва бола саломатлиги муҳофаза қилинишининг ўзбек модели сифатида тан олинган концепцияда моддий-техник базани ривожлантириш ҳамда замонавий технологияларни жорий этиш қаторида халқаро андозаларга муносивликдаги юқори малакали рақобатбардош кадрларнинг малакавий салоҳияти энг муҳим омиллардан бири этиб белгиланган.

2019-2020 ўқув йилида қуйидаги мутахассисликларга магистрлар қабули бўлиб ўтади.: Акушерлик ва гинекология, эндокринология, терапия (йўналишлар бўйича),

оториноларингология, кардиология, офтальмология, юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича), дерматовенерология, неврология, психиатрия, хирургия (йўналишлар бўйича), ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (йўналишлар бўйича), нейрохирургия, Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиғини сақлаш (йўналишлар бўйича), тиббий психология, морфология (йўналишлар бўйича), травматология ва ортопедия, суд-тиббиёт экспертзаси, шошилиш тиббий ёрдам, педиатрия (йўналишлар бўйича), болалар хирургияси, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси, болалар кардиологияси ва ревматологияси, болалар неврологияси, неонатология, стоматология (болалар юз-жаг хирургияси), болалар гастроэнтерологияси, болалар пульмонологияси.

Магистратурага қирувчиларга чет тилини билиш талаби ҳамда мутахассислик бўйича ижодий қобилиятни белгилаш мезонлари кiritилган.

**А.А. ПАҲМАТУЛЛАЕВ,**  
*ТошПТИ магистратура*  
*бўлими бошлиғи*

# ИЛМНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

*Мусохаба этади давом...*



## *Нарзуллаева Дилдора Ўктамовна*

*1-курс таянч докторантура изланувчиси*

*1. Илмга қизиқишингиз қандай бошланган ?*

*2. Мавзунингизнинг аҳамияти нимадан иборат?*

*3. Диссертация ишингизнинг янгилиги нимада?*

*4. Диссертация ишингизнинг инновацион янгилиги нимада?*

1. Мен зиёлилар оиласида туғилганман. Иккала бобом ҳам олим профессорлар бўлишган: бирлари математика фанлари доктори, профессор Латипов Ҳалим Рафикович, иккинчилари Джалолов Джалил Джалилович тиббиёт фанлар доктори, профессор. Боболаримнинг илмий ишга қизиқишлари, уларнинг муомала маданиятлари мен учун намуна, ўрнатки сифатида кўз олдимда қолган. Болалик даврида шифокорлар шаҳарчасида улғайганман. Атрофимизда кўплаб шифокор-олимлар яшашарди. Келажакда боболаримга муносиб набира - олима бўламан деб орзу қилганман. Шу орзуим йўлида кўп ҳаракат қилдим. Аввало, мактабда яхши ўқиб, билимларни пухта эгаллашга интилдим. Хусусан, биология, химия фанларини чуқур ўзлаштирдим. Мактабни тугатгач, орзуим йўлидаги биринчи қадамимни Тошкент Тиббиёт академиясига ўқишга киришим билан қўйдим. Ўқиш жараёнида ҳам барча фанларни чуқур ўзлаштиришга ҳаракат қилдим. Натижада, бакалавр йўналишини муваффақиятли ботириб, магистратура 14.00.08-офтальмология ихтисослиги бўйича ўқишга кирдим ва у ерда кўз касалликлари йўналишида билимлар-

ни кунт билан ўргандим. Магистратурада ўқиш давомида илмий ишим мавзуси бўйича кўплаб хорижий ва маҳаллий мақолалар чоп этилди. Моҳир ва тажрибали устозларим раҳбарлигида магистрлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдим. Бу илмий ишимни давом эттириш мақсадида диссертация ёзишга қарор қилдим.

2. Ҳозирги кунда болалар офтальмологиясида кўз ожизлигига олиб келувчи туғма катаракта жуда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Болалар катарактаси эса ногиронликка олиб келувчи асосий омилларидан биридир. Ўзбекистон бўйлаб катаракта билан касалланган болалар сони жуда кўп, бу эса нафақат оила, балки Республика миқёсидаги ижтимоий муаммолардан биридир. Диссертация тадқиқоти афакия ва артификация коррекциясининг клиник-функционал ўзига хосликларига бағишланган. Мавзунинг аҳамияти, катарактага чалинган болаларда жарроҳлик давосини ўтказиб, кўз гавҳарининг ўрнига сунъий гавҳар қўйиш, кўз ожизлигининг олдини олиш ва баргараф этиш йўллари топишдан иборат.

3. Бизнинг клиникада йилга 400 дан ортиқ катаракта

касалига чалинган болаларда жарроҳлик муолажалари ўтказилади. Диссертация ишининг янгилиги шундаки, катаракта билан касалланган болаларда кўзнинг клиник-функционал хусусиятлари ўрганилиб, замонавий офтальмологик текширувлар қўлланилган ҳолда ҳар бир бемор учун индивидуал коррекция йўлини топишга ҳаракат қилинган. Ҳар бир беморнинг ёши, касалликнинг ривожланиш даври, шунингдек, турли омилларни инобатга олган ҳолда айнан шу бемор учун оптимал бўлган даволаш йўллари топишни мақсад қилиб қўйганман.

4. Ҳозирги кунда катталарда қўлланиладиган интраокуляр линза ҳисоблаш формуллари жуда кўп, лекин ҳеч қайси формула болалар кўзига мутаносиб келмайди. Илмий ишимнинг инновацион янгилиги сунъий гавҳарни танлаш формуласини ишлаб чиқишдир. Бунинг учун болаларда ёшга боғлиқ рефракцияни, кўз олмасининг ўсишини ва шу каби омилларни ҳисобга олган ҳолда жарроҳликни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, жарроҳликдан кейинги босқичда беморлар реабилитацияси муаммолари ечимини излашни ҳам мақсад қилиб қўйганмиз.

## Мусохаба этади давом...

### Каримова Динара Батировна

#### 1-курс таянч докторантура изланувчиси



1. Менинг илмга қизиқишим болалик давримга тўғри келади. Мен шифокорлар оиласида таваллуд топганман. Раҳматли бобом тиббиёт фанлари номзоди, доцент Бузруков Тўлқин Муҳайёхонвич, анатомия кафедрасида ишлаб, жуда кўп талабаларга устозлик қилиб, шогирдлар етиштирганлар. Икки аммам ва амаким ҳам тиббиёт соҳасида меҳнат қилиб келишмоқда. Раҳматли онам Бузрукова Дилмира Мирзааҳмедовна ҳам етакчи жарроҳ эдилар, еттинчи туғруқ комплекси бош врач ўринбосари лавозида ишлаганлар. Дадам Бузруков Ботир Тўлқунович ҳам тиббиёт фанлари доктори, профессор. Офтальмология кафедрасида кўп йиллардан бери ишлаб, ўндан ортик магистр ва уч нафар фан номзоди етиштириб чиқарганлар. Ана шундай муҳитда тарбияланиб, илк болаликдан шифокор бўлиш орзуси пайдо бўлган. Илмга қизиқишим мактаб фан олимпиадаларида қатнашиб, совринли ўринлар олишимдан бошланган ва бу фаолиятимни албатта давом эттириш кераклигини тушуниб, хужжатларимни Тошкент Педиатрия тиббиёт институтига топширишдан бошладим. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, талабалик сафига қабул қилиндим. Етти йил давомида ўндан ортик илмий тезислар чоп эттириб, маърузалар

қилдим. Бакалавр босқичини имтиёзли тамомлаб, ўқишни магистратуранинг офтальмология мутахассислиги бўйича давом эттирдим. Уч йил давомида офтальмология соҳасида ўқиб, кўплаб жарроҳлик амалиётларида ассистент сифатида қатнашдим. Уч йилдан сўнг магистрлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилдим. Магистратурани битиргач, илмий изланишни давом эттириш учун офтальмология кафедрасида қолишга қарор қилдим ва ассистент лавозида ишлай бошладим. Тўрт йил мобайнида талабаларга дарс бердим. Илмий ишимни давом эттириш мақсадида 2019 йил таянч докторантурага қабул қилиндим. Ҳозирги кунда «Миопияли болаларда катаракта жарроҳлик амалиётини такомиллаштириш» мавзуси бўйича илмий тадқиқот олиб борапман.

2. Дунёда миопия билан оғриган болалар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ва бу ҳозирги кунда офтальмологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Миопия касаллиги катаракта билан ҳамроҳ кечиши жарроҳлик амалиётини бирмунча оғирлаштиради. Чунки бу касалликда кўз олмасининг катталашishi, кўз бириктирувчи тўқимаси чўзилувчанлигининг ортиб кетиши, тўр парда кўчиши ва ҳоказо ўзгаришлар юз беради. Жарроҳлик ама-

лиёти ўтказилгандан сўнг эса кўйилган сунъий гавҳар жойидан силжиши ва ҳатто чўкиши ҳам мумкин. Шу сабабли мавжуд жарроҳлик амалиётини янада такомиллаштириш давр талабидир.

3. Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, бемор катаракта ва миопия билан бир вақтда касалланганда, жарроҳлик амалиёти ўтказишнинг янги усуллари излаш, аввалгидан яхшироқ натижаларга эришиш йўллари топиш муҳим вазифа бўлиб турибди. Илмий ишда ана шуларга эътибор қаратиш ниятидамиз.

4. Ўзбекистон Республикасида катаракта ва миопия билан оғриган болаларда жарроҳлик йўлини такомиллаштириш ва асоратларининг олдини олиш муаммолари ҳали тўлиқ ечимини топмаган.

Мен тиббиёт фанлари номзоди, доцент Бабаджанова Лола Джаноновна раҳбарлигидаги номзодлик илмий ишимда ушбу жарроҳлик амалиётини болаларда босқичма-босқич ўтказиб, кўрсатма, қарши кўрсатма ва бўлиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш устида изланишлар олиб бориб, Ўзбекистонда болалар кўз жарроҳлигига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

## ТАЛАБАЛИК ЙИЛЛАРИМНИ ЭСЛАБ,,



«Талабалик-олтин даврим» деб бежиз айтилган эмас. Мана институтни битирганимизга ҳам 35 йил тўлибди. Бизлардан кейин яна қанча мутахассислар етишиб чиқибди. Олий таълим муассаларида қанча вақтлардан буён талабалар ўқиб, илм олиб, ажойиб мутахассис бўлиб етилганларини бугун кўз олдимиздаги устоз-мураббийлар, профессор ва академиклар мисолида кўриб турибмиз.

Инсон умрида вақтнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, вақтдан унумли фойдаланиб, ўз касбини такомиллаштириб бориш унга хос хусусиятлардан биридир. Ўқишга кириб, билмаганларимизни ўрганиб, олдимизга кўйилган вазифаларни мунтазам ба-

жариб, муваффақият билан институтни битириш насиб қилганда қанчалик хурсанд бўлганимизни бир сўз билан ифодалаш жуда қийин, чунки бунинг заминида завкли талабалик даври бор. Айниқса, биринчи курсда кимё, физика, биология фанларини янада мукамал ўрганишга эътибор қаратилгани ва аста – секин тиббиётга яқинлашиш ҳам ўзгача қизиқарли эди. Тиббиётга оид фанларга эса биз-талабаларнинг кизиқишлари жуда катта эди. Эсимда, анатомия фанини остеологиядан бошлаганимизда, ким лотин терминологиясидан кўпроқ номларини ёдлайди деб ҳаракат қилгандик. Чакка суягини гапириб берганимизда талабалардан 3 таси 48 та нуктасини ёддан айтиб бергани, қолганлари эса улардан кам нукталарини айтиб беришганида, устозимиз Шавкат Рихсиев шу 3 талабага 5 қўйганлари ҳеч эслан чикмайдик. Биринчи курсдан бу ўқиш жараёнининг қаттиқлигига чидай олмай ташлаб кетганлар ҳам бўлган. Юқори курсларга кўтарилган сари

ҳар кунимиз бой таассуротларга эга бўла бошлади. Талабаларнинг синов вақти-сессия келганида, нафақат ўтириб, балки, «ётволиб ўқиш»га мажбур бўлар эдик. Ана шундай сессияларда гуруҳ талабаларини уйга тақлиф қилар эдим. Биттадан навбатчи тайинланиб, мавзуларни бўлиб олардик ва шу мавзунини бир-биримизга тушунтириб берардик, шундай қилмасак китобни охиригача ўқиб чиқиш амри маҳол эди. Гуруҳимиз талабалари биринчилар қаторида келиб, пешингача имтихонни топшириб кетарди, орасида бирорта йиқилгани бўлмас эди. Ҳар сессияни шундай ўтқазиб, институтни ҳам битирдик. Ўқиш даври жуда яхши эди, дифференциал синов ёки имтихон топширигандан сўнг мазза қилиб боғларга ёки кинога боришар эди. Ишга тақсимланиш бошланганда бизнинг курсимиздан 40 нафар талаба институтда устоз бўлиб қолди.

*Р. Азизова*

*Клиник фармакология ва хирургия кафедраси ассистенти.*



1. Ҳар тўрт йилда Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Бу жуда катта спорт байрамидир. Байрам байрамдек ўтиши керак. Шу мақсадда Олимпиаданинг очилиш куни иштирок этувчи жамоаларнинг катта паради бўлиб ўтади.

Дикқат савол: Парадни қайси давлат бошлаб беради: олдинги ўйинларнинг мутлақ голибими ёки майдон эгаларими? Ёки бошқа бир давлатми?

2. Увайсийнинг «Анор» чистонига пародия:

### АБДУҒАНИ ИНОЯТОВДАН САВОЛЛАР...

Бу на уйдир эшиги бор, деразадан йўқ нишон,

Неча норғул мард йигитлар, манзил айлабдир макон.

Эшигин очиб алар ҳолидин олсам хабар,

Юрагида ўт ёнар хизматга тайёрлар ҳар он.

**Дикқат савол:** Ушбу пародияда қандай нарса ҳақида сўз кетмоқда?

Машҳур адибимиз Абдулла Қахҳор У ҳақида шундай фикр айтганлар: У атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас.

**Дикқат савол:** Абдулла Қахҳор таъбирлаётган У нима?

АҚШликларни айтишича, 50-йиллар ўрталарида у инсон туфайли америкада тишларни оқартиришга бўлган талаб жуда ошиб кетган экан. 1955 йил 1 ноябрда у вафот этганида,

унинг аёли « Аёл киши ўз эри юрагига қандай йўл топиши мумкин» деган китоб ёзади.

**Дикқат, савол:** Сиз менга У инсонни айтинг.

Рус ёзувчиси асари қаҳрамонларидан бири, ўзини нега илонлардан кўркиши сабабини шундай тушунтиради: «Ота-онамнинг айтишича У мени бўғиб қўйишига оз қолган экан».

**Дикқат, савол:** У ни айтинг.

Корней Чуковский бутун умр уйқусизликдан азият чеккан. Қизининг хотирлашича, унга очик ҳавода сайр қилиш ҳам, жисмоний меҳнат ҳам, бром ҳам, «Бехтерев микстураси» ҳам, ҳаттоки ... ҳам ёрдам беролмаган.

**Дикқат, савол:** Нукталар ўрнидаги сўзни топинг.



**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ НАШРИ ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТА**

**Тахрир кенгаши:**  
Д.А. Асадов, А.В. Алимов,  
Х.Ф. Ҳайдаров, М. Аҳмедова,  
А.И. Искандаров, К. Ҳайтов,  
Т.С. Аъзамхўжаев,  
А. Валиев, А.А. Қудайбеганов,  
Б.М. Таджиев,  
С.С. Гулямов, Г. Усмонова  
**Нашр учун масъул:**  
Г. Ашурова

**Бош муҳаррир:**  
Б.Т. ДАМИНОВ  
**Тахрир хайъати:**  
(*ишчи гуруҳ*)  
Э.О. Турсунов, К.Ш. Турдиева  
(Бош муҳаррир ўринбосари),  
А.М. Маннонов, Д.А. Аҳмедова,  
С.А. Бегмонов, А. Носиров, З.  
Каримова, А. Худайбердиев

Газета Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармасида 29.12.2006 йил 02-0010-сон билан рўйхатга олинган.

Манзил: 700140, Тошкент-140, Боғишамол кўчаси, 223

Cho'iron nomidagi NMIU техник ва дастурий воситалари базасида чоп этилди. Манзил: Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30. -бунюртма. Адади 100 нуска.

Газета институт ҳисобидан нашр этилади ва bepul тарқтилади.